

Яқин кунларга фақат оҳак тайёрлаш ва дарё дамбаларини мустаҳкамлаш ҳамда пойдеворлар учун ишлатиб келинатган Ширмонбулоқ тоғининг харсанг тошлари эндиликда автомобил бўёқлари ва атир-упалар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган бўлди.



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 7 июл, жума №97 (929)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Йўллар яна туташди

Тожикистоннинг Зафаробод тумани билан Ҷратепа туманларини боғлайдиган катта йўл Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Қўшни давлатдаги нотинчликлар туфайли у анча вақт олдин ёпиб қўйилган эди. Бу эса ўз навбатида икки туман ўртасидаги борди-келди ишларига салбий таъсир кўрсатиб, аҳолини ўз манзилига айланма йўллар орқали қийинчилик билан бориб-келишига мажбур этарди.

Икки давлат Президентларининг Душанбе шаҳрида имзолаган ахдномаларига биноан Зафаробод тумани ва Ҷратепа шаҳрини боғловчи Ўзбекистон ҳудудидан ўтган йўл орқали транспорт катнови йўлга қўйилди.

Шу муносабат билан Жиззах вилоятининг Янгиобод туманидаги Қўшқанд қишлоғига чегарадош жойда ва Ҷратепа шаҳрига қираверишда меҳнаткашлар митинги бўлди. Унда сўз олган ҳар икки халқ вакиллари азал-азалдан дўсту

биродар бўлиб яшаган ўзбек-тожик халқларининг меҳр-оқибати, Тожикистонда тинчлик барқарорлашганлиги ва ҳар икки мамлакат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари боис бугунги кунда юзага келган ўзаро қўшничилик муносабатларидаги имкониятлар хусусида гапирдилар. Ўзбекистон Президентли Ислон Каримовнинг «ўзбек ва тожик халқлари икки тилда сўзлайдиган бир халқдир», дея айтган фикрларини миннатдорлик билан ёдга олдилар.

Йўлчи ЖҲҲРА, ЎЗА мухбири.



Дўстлик туманидаги Аҳмад Қулбеков номли ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги «Шодлик» фермер хўжалиги жамоаси 40 гектар галлазорининг ҳар гектаридан 50 центнердан дон йиғиштириб олди. Қолган 40 гектар майдондаги гўзаларни парвариш қилаётган деҳқонларнинг ниятлари пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш.

Суратда: фермер хўжалиги раҳбари Гадоийхожи Шодиев. Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Касаба уюшма спорти

Илҳом-самбо курашида Осиё чемпиони

Жиззах вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқарувиغا қарашли «Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби»нинг тарбияланувчилари Богдод Ҳавасов, Кахрамон Акаббеков, Илҳом Тўхтамов, Олим Равашовлар самбо кураши бўйича Республика терма жамоаси аъзолари ҳисобланишди. Улар самбо кураши бўйича Осиё, жаҳон чемпионатларида қатнашиб, фахрли ўринларни забт этиб келишарди.

1981 йилда таваллуд топган Илҳом Тўхтамов яқинда Козогистоннинг Уралск шаҳрида бўлиб ўтган самбо кураши бўйича Осиё чемпиониликда иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритди ва олтин медалга сазовор бўлди.

Касаба уюшмалари Жиззах вилоят Кенгашида голиб спортчи Илҳом Тўхтамов шарафига қабул маросими бўлиб ўтди. Кенгаш раиси Қ.Рафиков моҳир спортчини самимий қутлар экан, унинг тренери Ҳасан Бобоев ҳақида илқ фикрлар билдирди. Дарҳақиқат, вилоят «Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби» фаолияти сунги пайтларда бир қадар жонлиб, бу ердан танкид спортчилар жаҳон спорт ареналарига йўл олишарди. Бу бежиз эмас. Вилоятда спортга эътибор тобора кўпайиб бормоқда. Республикада ягона ҳисобланган «Олимпия коллежи» қурилиши Жиззах шаҳрида жадал сурьатларда давом эттириляпти.

Самбо кураши бўйича Осиё чемпиони И.Тўхтамов ҳамда унинг мураббийси Ҳ.Бобоевларга вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.


А.МАННОПОВ.

«Ғала-2000»

НАВОИЙ ТУМАНИ МАРРАГА ЕТДИ

Навоий тумани ғаллакорлари давлатга дон сотиш шартнома режасини бажарди. Қабул масканларига режадагидан минг тонна кўп - 13 минг 778 тонна дон топширилди. Туманининг «Жалоир», «Маданият», Қодир Раҳимов номидаги, «Нарпай», «Зарафшон», «Хазора» ширкат хўжаликлари ғаллакорлари юқори ҳосил кўтариб, ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 29,5 центнерни ташкил этмоқда. Ҳосилдан бўшаган майдонларга пешма-пеш такрорий экинлар экилмоқда.

(ЎЗА).



Ташаббускор касаба уюшма фаолларининг изланишлари боис, ишчи манфаати барча нарсдан устувор бўлишига эришилмоқда. Ангор туманидаги «Новшаҳар» ширкат хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси фаолияти бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Хусусан, хўжалик касаба уюшма кўмитаси ва маъмурият ўртасида имзоланган жамоа шартномасининг ҳар бир банди алоҳида назоратда. Унга асосан бу йил 854 нафар хўжалик аъзолари пай гувоҳномаларини олишди. Улар 500 гектар ерга ғалла экишиб, 23 та оилавий пудратга бўлиниб ишлаётди. 719 гектар пахта майдони эса 538 нафар оилавий пудратга бўлинган. Бундан ташқари полиз, сабзавот, макка, картошка етиштириш бўйича оилавий пудратчилар мавжуд. Жамоа шартномасига мувофиқ, ҳар бир ишчи бажарган ишига қараб иш ҳақи тўланмоқда. Шунингдек, жорий йил ҳисобидан 90 тонна кунжа ва шулха, 8 тонна ўсимлик ёғи, 59 тонна полиз, 15 тонна сабзавот маҳсулотлари ишчиларга оиллик ҳисобидан арзон нархларда берилди. Ишчи-хизматчиларнинг 1 миллион 700 минг сўмлик электр энергиядан, 500 минг сўмлик томорқа солиғидан, 150 минг сўмлик табиий газдан қарзларини маъмурият тўлади.

Деҳқонларнинг дам олишлари учун яратилган шароитларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Соя-салқин жойларда супачалар, радио, телевизор, кундалик матбуот нашрлари... Касаба уюшма фаолиятини акс эттирувчи деворий газета мунтазам чиқиб турибди. Миришкорлар ишдан сўнг, ёзи ва қишки клубларда турли бадий филмларни мириқиб томоша қиладилар. Ёшлар ва спортга қизиқувчилар мавжуд 10 та футбол ва волейбол майдонларида бўш вақтларини мазмунли ўтказаяпти.

Хўжалик ҳудудидаги 3 та мактабнинг 2282 нафар ўқувчилари, 4 та болалар боғчалари-



ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАРГА

буси билан 27 нафар хотин-қиз Тошкент шаҳридаги «Турон», «Чинобод», Термиздаги «Сурхон», «Жайронхона» ҳамда Ангордаги санаторий, профилакторийларда дам олдирилиб, соғломлаштирилди. Соғлом авлод йили муносабати билан ишчиларнинг 100 нафар фарзандлари «Хўжанд» дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришди.

Ҳар томонлама ҳимояга олинган ишчиларимизнинг меҳнат таътилларида 3 иш кун, меҳанизаторларга 5 иш кун, янги уйга қўчқанлиги учун 2 кунлик, уйдаги хурсандчилик кунларига 5 кунлик қўшимча пуллик таътил, ёш келин-қуввларнинг висол тўйларини «Бахт уйи»да ўтказиб бериб, уларга иш ҳақи сақланган ҳолда 15 кунлик таътил бераёلمиз, - дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Омонгелди Турдиев. - Бунга жавобан улар астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

ЁЗ ГАШТИ ЎЗГАЧА

Айни ёз фаслини интизорлик билан кутган мактаб ўқувчилари вилоятдаги сўлим оромгоҳларда мароқли дам олмақдалар. Улар меҳридарё тарбиячилари атрофида йиғилиб қизилқарай сўхбатлар қурмоқдалар, турли фильмлар, кўғирчоқ ва драма театрлари дастурларидан баҳраманд бўлиб, Ватанини, бахтли болаликни тараннум этувчи қўшиқларни ижро этмоқдалар. Раҳбарлари назорати остида сузиш ҳавзаларида чўмилиб, зерикиб қолмаслик учун турли китоблар мутолаа қилмоқдалар ва айни чоғда, футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка ўйнаб спорт маҳоратларини оширмоқдалар. Энг муҳими, болажонлар бир-бирлари билан яқиндан танишиб дўстлашмоқдалар.

Мавсумга пухта тайёрланган 12 та шахар орти оромгоҳларининг I-навбатида соҳа меҳнатқашларининг 1950 нафар фарзандлари дам олдилар. Айниқса «Мингчирок», «Бойнот», «Ёшлик», «Шодлик», «Гулхан» оромгоҳларида дам олиш ишлари ҳар йилгидан яхшироқ ташкил этилишига эришилди.

Оромгоҳларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўғил-қизларнинг аъло даражада дам олишларига шарт-шароитлар яратиш мақсадида вилоят кўмитаси томонидан етарли миқдорда болалар адабиётлари ҳамда футбол, волейбол анжонлари болажонлар ихтиёрига топширилди.

Умид ТОШЕВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бўхоро вилоят кўмитаси маданий ва спорт ишлари мутахассиси.

ТҮРТКҮЛ КУТУБХОНАЛАРИ

Мамлакат Президенти ташаббуси билан 2000 йили «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши ва Миллий дастурнинг ишлаб чиқилиши — ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Шубҳасиз, «Соғлом авлод» дастурининг ҳаётга татбиқ қилинишида маданият муассасаларининг, биринчи навбатда маънавият ҳамда маърифат маскани — кутубхоналар ходимларининг ўрни беқиёс бўлаяпти. Тўрткўл тумани марказлашган кутубхоначилик тизимига қарашли 34 та бўлим ва туман кутубхонаси ҳамда маданият ходимлари касаба уюшма туман кўмитасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Марказлашган кутубхоначилик тизими директори Мунавари Рейимбердиева саъй-ҳаракати билан кутубхоналардаги 370 минг нусха ҳар хил адабиётлардан жуда кўпчилик баҳраманд бўлмоқда. Айниқса ёшлар билимлар манбаи — китобларни

ўтказилаётган тadbирларнинг самарадорлигига эришиш — асосий мақсад қилиб қўйилган. Жумладан, шаҳардаги марказий кутубхонада «Соғлом авлод — Ватан кудрати» мавзусида Банк коллежи талабалари ҳамда бир гуруҳ шифокорлар иштирокида қизиқарли кеча уюштирилди.

Унда туман хотин-қизлар маслаҳатхонаси акушер-гинеколог Зулфия Танатовна соғлом авлод камол топишида нафақат аёллар, балки эркекларнинг ҳам масъулиги хусусида аниқ фактлар асосида сўз юритди.

Учрашув сўнгига ёшлар ўзларини қизиқтирган мавзулардаги саволларига аниқ жавоблар

олишди. Ўзаро мулоқот дилрабо куй-қўшиқларга уланиб кетди. Тadbир жараёнида марказий кутубхонага яна 15 нафар аъзо қабул қилинди.

Шунингдек, кутубхонанинг 3-филиалида «Соғлом навад соғлом фарзанд», 5-филиалда «Қайнонам — онам менинг», 6-марказий болалар бўлимида «Келажак — ёшлар қўлида», 6-филиалда «Соғлом бўлай десангиз», «Соғлигингиз сўз қўлингизда», 14-Шураҳон ва 26-Қлибоб филиалларида «Фарзандлар камоли кўлимизда», «Соғлом авлод ила келажак сари» каби мавзуларда бўлиб ўтган кечалар, сўхбатлар ҳам ёшлар онгида нури из қолдиришига шубҳа йўқ.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

ДИЛТОРТАР МАСКАНЛАР

Баланд тоғлар қучоғида жойлашган «Хонжиза» болалар оромгоҳи ўзининг сўлим табиати билан кишини мафтун этади. Ана шундай ажойиб гўшада яйраб ҳордиқ чиқараётган болаларни кўриб ҳар қандай ота-она ҳам хурсанд бўлади.

Оромгоҳда болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун табиат инъом этган мўжизадан ташқари барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган.

Ўтаётган ёз давомида оромгоҳимизда мингга яқин болаларнинг дам олишларини режалаштирганмииз, - дейди оромгоҳ бошлиғи Ҳабибулло Исматов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Июнь ойида 150 нафар болалар мароқли дам олиб ота-оналари бағрига қайтишди.

Дарҳақиқат бугунги кунда соғлом авлод йили муносабати билан Сурхондарёдаги энг баҳаво ва кўркам оромгоҳлар болалар ихтиёрига бериб қўйилган. «Вахшвор», «Вандоб», «Чашма», Х.Кулиниёзов номли оромгоҳлар ўзининг табиий жойлашиши, қўлайлиги, мафтункор табиати билан кўпчиликни ўз бағрига чорламақда.

Вилоятдаги 15 та доимий, 48 та мавсумий оромгоҳларда 19 минг



Шарқда азал-азалдан ўзга юртлар билан маданий, иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик яхши ривожланиб келган. Бозорлар нихоятда обод ва ўзига хос бўлган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хориж тажрибаларини кенг ўрганиш, илгор технологияни амалиётда жорий этиш имконияти яратилди. Хозирги кунда бозорларга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки улар асосий истеъмол майдонидир. Яқинда бозорлар фаолиятида энг сўнги янгилликларни қўллашга бағишланган Германиядаги Бутунжаҳон конгрессида «Челак дехкон бозори» очик турдаги хиссадорлик жамияти раиси К.Улуғмуродов ҳам иштирок этиб, бой таассуротлар билан қайтди.

GERMANYDA YURTIMIZNI YAKHI BILISHADI

— Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларига бориб, тажриба ўрганиш, йирик анжуманларда иштирок этиш имкониятини мустақиллик берди. Конгресс Дюсселдорф шаҳрида ўтказилди. Анжуманда бозорларни сотувчи ва харидорлар учун энг қулай масканга айланттириш, юзасидан фойдали гаплар бўлди. Менга маъқул бўлган томони шу бўлдики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчиларга махсус ёғоч ва пластмасса қутиларидан фойдаланиш, ўша ернинг ўзида фирма ва ташкилотлар билан шартномалар тузишнинг энг мақбул йўллари атрафлича ўргатилди. Бу харидорга сифатли маҳсулот етказиб беришда муҳим рол ўйнайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини қандай сақлаш, қадоқлаш, бежирим пакетларга жойлаш борасида тажрибалар ҳам эндиликда асқотади, деб ўйлайман. Германиядан қайтгач, фаолиятимизга қайта назар ташладик. Савдо расталарини кенгайтириб, 52 та қўшимча нуқталар бунёд этишга киришадиган бўлди. Хорижда Ўзбекистонни яхши танишаркан, халқимизни севишаркан. Айниқса, Ўзбекистоннинг шарбатга тўлган нъматлари ҳақида алоҳида ургу бериб гапиришади. Германияликлар фикрини эшитиб она Ўзбекистонимиз билан, ўзбеклигим билан фахрланамиз.



Тошкент вилоятида мустақиллик байрамнинг 9 йиллиги олдидан тайёргарлик ишлари бошлаб оборилди. Вилоят ҳокимлигининг қарорига мувофиқ 12 августда умумхалқ ҳашари ўтказилади. Ундан

Тайёргарлик қизгин

тушган маблагнинг ярми вилоят ижтимоий жамғармаси ҳисобига, қолган ярми шаҳар ва қишлоқларда байрамни юксак савияда ўтказишга сарфланади. Вилоят бадий жамоаларида ҳам бугун иш қизгин. Маданият ишлари бошқармаси энг яхши деб топишган бадий дастур учун танлов эълон қилди. Пойтахтда ўтадиган байрам тантаналарида иштирок этадиган бадий жамоа учун либослар, жиҳозлар ва сахна эскизларига хозирданок буюртма берилмоқда.

Янги «тез ёрдам»

Галабсий шаҳрида давлат шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро вилоят филиалининг Бухоро туман бўлими фойдаланишга топширилди. У туман марказий шифохонаси жаррохлик бўлими негизда барпо этилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурига биноан ташкил этилган маъруз бўлимда шошилинч ёрдамга, шунингдек, давлатнинг ижтимоий кўмағига муҳтож беморлар даволанади. У жаррохлик ва ички касалликларни даволашга мўлжалланган 30 ўринга эга. Даволаниш мuddати бошқа шифохоналарга нисбатан қисқа бўлиб, бу ерда бир ойда 150-160 нафар беморнинг соғлиги тикланади.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН ТАҚДИР ТАБАССУМИ



Уруш йилларида дунёга келганман. Таъкидлашларича, ота-онам умр бўйи меҳнат қилиб, бирлари икки бўлмаган экан. Падали бузрукворимни эслолмайман. Сабаби, у урушга кетиб, беомон жангларда ҳалок бўлган. Онам раҳматли не-не қийинчиликларни бошдан кечириб, бизни амаллаб

да оламшумул ишлар амалга ошириляпти. Энди мен ўзбекман, дея қаддимизни ғоз тутиб, барчани лол қолдириб яшаймиз. Дунёда энг бахтли инсонлардан деб биланман ўзимни. Камтарин меҳнатини давлатимиз, Ўртбошимиз томонидан юксак қадрланиб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Олтин юдуз» медалига сазовор бўлдим. Қани айтингчи, оддий хизматчининг фарзанди шундай бахтга эришади, деб ким ўйлабди. Танимда жоним бор экан, юртим учун сидқидилдан меҳнат қиламан.

Ёшларга қарата айтиладиган гапим шуки, улар энг бахтли-саодатли инсонлардир. Боиси, мустақиллик даврида яшаш насиб этди. Бунинг аҳамияти, кадр-қимматини сўз билан ифодалаш қийин.

Истиқлол мен каби оддий кишиларнинг кадр-қимматини ўрнига қўйди. Бизга Яратганининг ўзи етказган Препармалаш кудуқларини фойдаланишга топширишда жонбозлик кўрсатдим.

УМР БЕСАМАР ЎТМАЯПТИ

Инсон — ҳаёт гултожи. Давлатимиз халқимиз фаровон ҳаёт кечириши учун катта тадбирларни амалга оширяпти. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриляётган шу кезларда ортимизга бир назар ташласак, 5-6 йил ичида эришилган муваффақиятлардан дил қувнайди. Хусусан, пойтахтимиз азим Тошкент бағоят чирой очди. Қатрада куёш акс этади деганларидек, Чилонзор туманидаги ўзгаришлар ҳам чаккимас. Бу ерда 240 минг аҳоли истиқомат қилмоқда, 43 та маҳалла бор. Сақизи ой мобайнида Навоий номидаги миллий бог, 4 та супермаркет, 3 та лицей қурилди. Улуғбек номидаги истирохат боғи, Отчопар, «Бешёғоч» бозорлари, замонавий поликлиника ва бошқа маъмурий бинолар қайта таъмирланди. Туман ижтимоий таъминот бўлими касабә уюшмалари билан фаол ҳаракат қилиб, уруш ва меҳнат фахрийлари, имтиёзларга эга бўлган кишилар учун дам олиш хонасини қуриб битказди. Замонавий кўприк қурилиши жадал давом этмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳақида алоҳида меҳрибонлик кўрсатилаяпти. Ана шундай оилаларнинг 30 нафар фарзандига оромгоҳларга бепул йўланмалар берилди. Хайрия тадбирлари ҳам ўз вақтида ўтказилиб турилибди.

У.ҚАҲҲОРОВА, халқ таълими ходимлари Чилонзор туман касабә уюшма кўмитаси раиси.

Жиноятга жазо муқаррар

Гиёҳвандлик инсонни ҳалоқатга маҳкум этувчи иллат эканлиги аён. У жаҳон узра кенг тарқалиб «аср вабоси»га айланди, айниқса, ёш авлоднинг равнақи йўлида катта хавф туғдиримоқда. Муаммони ҳал этиш, унинг тарқалишига йўл қўймайлик борасида саъй-ҳаракатлар қилинаёпти. Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш миллий маркази ишлаб турибди. Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам бу ишда масъул.

Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши кураш, гиёҳвандлик моддалари устидан назорат қилиш ва унга барҳам бериш соҳасида амалга ошириляётган кенг дастурий чоратадбирлар жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда. Бултур май ойда пойтахтимизда БМТнинг гиёҳвандлик моддалари устидан назорат қилиш дастури доирасида унинг назорат хизмати ЮНДКП ҳомийлигида халқаро семинар-кенгаш ўтказилганлиги фикримизга далилдир. Муқаддас диёримизга захриқотил моддалар асосан энг кўпчилиги миз - Афғонистон, Тожикистон давлатлари орқали кириб келаётгани сир эмас. Бекобод туманидаги Тожикистон билан чегарадош бўлган «12-Ойбек»-божхона текширув-назорат пости тезкор ходимларининг бу соҳада амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқ. Ана шу пост орқали мамлакатимизга ҳар кун Тожикистондан турли хил юклар ортилган автоуловлар, йўловчилар рақами В-404ВС 56 РУС енгил автомашина назорат-текширув учун тўхта-тилган эди. Текширув жараёнида машина ўриндиқлари остидаги металл бўшлиқлар ичига электрпайвандлаш усулида усталик билан 12 та целлофан халтачаларда оқ Т.Янгибоев ўтказди. Оғуфурлар хибсга олинди. Тергов жараёнида қуйидаги жиноят тафсилот-ҳолатлари аниқланди. Бу фуқаролар бир неча йилдан буён Россиядан Тожикистонга Ўзбекистон орқали харидорлаб машиналарни Шу сабаб бу автотадбиркорлар катта даромад топиш йўлларини режалаштиришга киришадилар ва нихоят, наркобизнес билан шуғулланишга аҳд қиладилар. Афсуски, мўмай даромад топиш йўлидаги ноёб ихтиролари панд берди. Яқинда юқорида қайд этилган божхона пости ходимлари Тожикистоннинг Душанбе-Санкт-Петербург йўналиши бўйлаб Ўзбекистон орқали Россияга кетаётган сайёҳ йўловчилар тушган автобусни одатдаги назорат-текширув кўригидан ўтказиш пайтида шу автобус йўловчилари - тожикистонлик фуқаролар: икки дугона 1971 йилда туғилган Шахлонинг баланд платформали пойафзали, 1962 йилда туғилган Марзиянинг қўлидаги эчки улуғ қариялар учун мўлжалланган 2 гилдиракли судрама ҳўжалик кўл аравачаси божхона посбонларида шубҳа уйғотди. Пойафзал кесиб қўрилганда ундан 410 грамм, Марзияга қарашли аравача арралаб қисм-бўлақларга ажратилганда унинг ичида 32 грамм миқдордаги наркотик модда - героин топиб олинди. Бу икки дугона ҳам гиёҳванд моддаларни Душанбедаги «қора бозор»дан харид қилиб, катта миқдорда сотиш мақсадида наркобизнес «сабабига» йўл олган эканлар. Аммо ният амалга ошмади. Малик НУРИДДИНОВ, журналист.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

Кўнгилсиз воқеаларнинг кўпчилиги ишсизлик оқибатидир. Қалби яратувчилик меҳнати билан тўлиб-тошган. Ватан меҳрини қалбига жо қилган инсон ҳамisha эзгуликка интилади. Бирок ҳаёт бошқа, ҳавас бошқа. Демократизм, ҳар доим ҳам умр бирдек кечмайди. Нур борки, соя бор деганларидек, бозор шароитида қатор муаммоларни енгишга, омилкорлик, қатъиятлик кўрсатишга даъват этилганмиз.

ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ЕЧИЛМОҚДА

Давр ўртага қўяётган айрим муаммоларни ҳал этишда меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси — касаба уюшмаларининг ёрдами алоҳида бўлаяпти. Хусусан, бўлимимиз жойлардаги энг омивий жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда ишсизлик муаммосини ҳал этишга эришишда жонбозлик кўрсатиб келмоқдамиз. Шаҳар ҳокимининг бўш иш жойлари ярмаркасини ўтказишга оид қарорига кўра Арсиф ва Валик қишлоқ фуқаролар йигинларида ана шундай тадбирлар ўтказилди. Ушбу ярмаркаларда шаҳардаги кўпгина корхона, ташкилотлар, ширкат хўжаликларининг вакиллари иштирок этиб, 126 та бўш ўринларини тақлиф этилар. Натижада ўнлаб кишилар иш билан таъминландилар. Таъкидлаш жоиз, меҳнат ярмаркаларига пухта тайёргарлик кўриб, фуқаролар олдиндан хабардор қилинишларига қарамай, баъзи жойларда бу масаланинг аҳамиятига етар-кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Маҳалла фуқаролар йигини раиси Пулатжон Саидминовнинг жонбозлиги туфайли тадбирда 72 нафар ишсиз фуқаро фаол иштирок этиб, кўпларининг мушқули осон бўлди.

А.ТОШХҲАЕВ, Қувасой шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.

ҲОКИМЛИККА ХАТ КЕЛДИ

Хат ортида инсон тақдири бор, деб бежиз айтишмайди. Одамлар муаммоларини ўзлари яшаётган ёки ишлаётган жойлардаги мутасаддилар ёрдамида ҳал қилолмаган, юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бизга 200 та ёзма мурожаат хатлари тушган бўлиб, шундан 17 таси шикоят хатидир, - дейди Навоий шаҳар ҳокимлиги масъул ходими А.Убайдуллаев. - Таҳлил шуни кўрсатдики, уларнинг айримлари энг оғрик муаммо — уй-жой шароитини яхшилаш, ишсизлик муаммоси, ижтимоий ҳимоя масалалари ҳақидадир. Шу боис меҳнаткашларнинг ҳар бир мактуби алоҳида диққат марказида бўлмоқда. Талаб ва истаклар иложига борица вақтида қондириляпти. Масалан, хозирча ёзма мурожаатларнинг 56 таси ҳал этилди. 103 нафар фуқаро билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, тегишли йўл-йўриқлар берилди. 41 та хат назоратга олинган.

Хамма жойда ҳам меҳнаткашлар хатларига муносабат бйрдек эмас. Баъзи идора, ташкилот, корхона раҳбарлари муҳим ишга ҳамон панжа орасидан қарашмоқда. Масалан, Навоий тоғ-металлургия комбинати уй-жой бошқармаси ишчиси Т.Абдунагимовнинг ётоқхонадан қўшимча хона ажратиш ҳақидаги мурожаати узоқ вақт эътиборсиз қолган. Фақат вилоят ва шаҳар ҳокимлиги аралашувидан сўнг масала ўз ечимини топди.

Навоий шаҳар Толстой кўчаси 8-уйнинг 48-хонадонда истиқомат қилувчи Г.Неизвестнаянинг нафақа миқдори хусусидаги сўровларига ҳам эътиборсизлик билан ёндошилган. Пенсиянер шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилганидан сўнг муаммо ҳал бўлди.

Шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, бунга аввало фуқароларнинг ўзлари сабабчи бўладилар. Масалан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси пенсионери А.Остонов уй-жой шароитининг талабга жавоб бермаслиги, қийин аҳволда яшаётганлиги ҳақида юқори ташкилотларга хат йўллаган. Текшириш натижасида эса шикоятчи анча қулай шароитда ҳаёт кечираётганлиги маълум бўлди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, ҳокимликлар, ўз-ўзини бошқариш органлари омма ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантирганликлари, радио, телевидение ва матбуотда тез-тез мулоқотлар уюштириляётганлиги ариза-шикоятларнинг бир мунча камайишига олиб келди. Яқинда шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан ўтказилган «Очқ саволлар» куни муҳим ишда яна бир илдам қадам бўлди.

М.ҲАЙИТОВА, «Ишонч» муҳбири.

ОҒУФУРУШЛАР

Т.Янгибоев ўтказди. Оғуфурлар хибсга олинди. Тергов жараёнида қуйидаги жиноят тафсилот-ҳолатлари аниқланди. Бу фуқаролар бир неча йилдан буён Россиядан Тожикистонга Ўзбекистон орқали харидорлаб машиналарни

Шу сабаб бу автотадбиркорлар катта даромад топиш йўлларини режалаштиришга киришадилар ва нихоят, наркобизнес билан шуғулланишга аҳд қиладилар. Афсуски, мўмай даромад топиш йўлидаги ноёб ихтиролари панд берди. Яқинда юқорида қайд этилган божхона пости ходимлари Тожикистоннинг Душанбе-Санкт-Петербург йўналиши бўйлаб Ўзбекистон орқали Россияга кетаётган сайёҳ йўловчилар тушган автобусни одатдаги назорат-текширув кўригидан ўтказиш пайтида шу автобус йўловчилари - тожикистонлик фуқаролар: икки дугона 1971 йилда туғилган Шахлонинг баланд платформали пойафзали, 1962 йилда туғилган Марзиянинг қўлидаги эчки улуғ қариялар учун мўлжалланган 2 гилдиракли судрама ҳўжалик кўл аравачаси божхона посбонларида шубҳа уйғотди. Пойафзал кесиб қўрилганда ундан 410 грамм, Марзияга қарашли аравача арралаб қисм-бўлақларга ажратилганда унинг ичида 32 грамм миқдордаги наркотик модда - героин топиб олинди. Бу икки дугона ҳам гиёҳванд моддаларни Душанбедаги «қора бозор»дан харид қилиб, катта миқдорда сотиш мақсадида наркобизнес «сабабига» йўл олган эканлар. Аммо ният амалга ошмади. Малик НУРИДДИНОВ, журналист.



10 - 16 июл

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телекомпаниялар диққати! Профдактика мусобақати билан, дунда, 10 июль «Ўзбекистон-1» телеканалда кўрсатилган соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилган.

15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 15.20 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажигимиз».

16.00 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс. 16.15 «Олтин тож». Мусикий дам олиш дастури.

17.20 «Дунё адабиёти». 17.40 «Аралаш». Ҳажий киножурнал. 18.00 «Кичикинтойлик-гижинтойлик».

18.10 «Табрикликимиз». 18.30 «Бахтли воқеа». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эрталаки. 20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот». 21.05 «Олам қўшқига тўйсин». Мусикий дастур.

21.40 «Оловни жиялаш». Муаммо ва ечимлар. 21.55 «Маънавият» дастури.

22.30 «Футбол шарҳи». 22.45 «Австралиянинг ёввойи табияти».

10.05 «Бешбармоқ». Тележурнал. 10.25 Кундузги сеанс: «Уч бақалок».

11.50 «Тиббиёт оламида». 12.05 «Маънавият» дастури. 12.15 «Ақсаби».

13.05 «Австралиянинг ёввойи табияти». Телеанонс. 4-қисм.

14.10 Эстрада тароналари. 14.45 «Кабул соати». 15.05 «Оила». Тележурнал.

15.25 ТВ-анонс. 15.35 «Кўринмас одам». Бадий фильм.

17.00 «Ватанига хизмат қиламан». 18.10 «Миттвойлар оиласи». Кино-кўрсатув.

18.30 ТВ-клип. 18.35 «Адолат мезони». 18.50 «Олтин мерос».

19.10 «Мулкдор». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.15 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эрталаки.

10.20 Кундузги сеанс: «Ёввойи оқшурлар». Бадий фильм.

11.45 «Қамолот сари». 12.05 ТВ-анонс. 12.15 «Юрт ўғлонлари».

12.30 Миллий созлар ижрочилари Республика ташкилотининг гастрол концерти.

12.55 Таъриф ал-Ҳаким. «Ғаройиб оқшом». Аббор Хидоятлов номидagi Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

14.10 «Иш билганга минг таंगा». 14.50 ТВ-клип. 15.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги олдидан.

15.30 «У замоналар ўтиб кетди». Бадий фильм.

16.45 ТВ-анонс. 16.55 «Келинг, бир кулайлашайлик». 17.05 «Бинокор».

17.20 «Ердамчилар». Мультифильм. 17.35 Болалар учун. «Ҳажий ғўзал».

18.10 «Иқтисод ва биз». 18.20 ТВ-клип. 18.30 «Аёл дунёни тегбартар».

8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Марказий газеталар шарҳи.

8.50 Лирик тароналар. 9.10 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Уч қора».

9.30 ТВ-анонс. 9.40 «Устоз». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Талаб ва тақдир». 10.15 Болалар учун. «Кувнок ёз, ўтмоқда соз».

10.35 Кундузги сеанс: «Мен сизни севардим». Бадий фильм.

12.05 ТВ-клип. 12.15 «Беодоб бола». Мультифильм.

12.25 «Муҳаббат соғинчи». Мусикий дастур.

13.00 «Австралиянинг ёввойи табияти». Телеанонс. 5-қисм.

13.55 ТВ-клип. 14.10 «Уйла, Изла, Топ!».

14.10 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 14.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги олдидан.

15.10 «Ок йўл, олимпиадалар!».

15.35 «Оролга сайр». Бадий фильм. 17.00 ТВ-анонс.

17.10 «Бир қадам». 17.30 «Уйку салтанати». Мультифильм.

17.45 «Харита». Халқаро шарҳ. 18.10 Болалар учун. «Кузунчор».

18.30 «Тилга эътибор». 18.50 «Муслика бекати». 19.00 «Хидоят сари».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

20.00 Оқшом эрталаки. 20.15 «Ўзюма-юз». 20.30 «Ахборот».

21.05 «Мен нечун севман Ўзбекистонини». Публицистик кўрсатув.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эрталаки.

20.15 «Шеър ва шуур». 20.30 «Ахборот».

21.05 «Кўшимча сизга армуғон». Мусикий дастур.

21.45 «Иқтисодди чорраҳаларида». 22.05 «Ок йўл, олимпиадалар!».

22.20 «Атлар сўзи - ақлнинг кўзи». 22.30 «Ахборот».

23.55 «24-25» қайтамапти. Бадий фильм.

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» почтаси. «Мульти-томоша».

9.50 «Мусикий лаҳзалар». 10.00 «Асп қиёфаси».

10.00 «Мусикий лаҳзалар». 10.20 «Мусикий лаҳзалар».

10.40 «Мусикий лаҳзалар». 10.50 «Мехрибонларим».

11.20 «Мен нечун севман Ўзбекистонини». Публицистик кўрсатув.

11.55 ЎзТВ экранда биринчи марта. «Бэмби».

13.05 «Соғ таңда» соғлом ақл. 13.45 «Куйла, болажон».

14.05 ТВ-анонс. 14.10 «Алломиш авлодлари».

14.25 «Дўстлик» видеоканали: 1. Мехрангаз. 2. Жетиген.

14.45 «Бир болага етти маҳалла отаона».

15.05 «Олтин мерос». 15.15 «Ўзбекфильм» тўқфаси.

ШАНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

«СОҒЛОМ АВЛОД - БУ БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ» ЎЗЛҶСИС ТЕЛЕДАСТУРИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 Болалар учун. «Гулгунчалар». 8.50 ТВ-клип.

9.00 «Хидоят сари». 9.25 Телевизион миниатюралар театри.

10.00 «Бола бошидан». 10.20 ТВ-клип.

10.30 «Умид» ахбороти. 10.50 «Мехрибонларим».

11.05 «Гўдак табассуми оламини безар». Мусикий дастур.

11.20 «Мен нечун севман Ўзбекистонини». Публицистик кўрсатув.

11.55 ЎзТВ экранда биринчи марта. «Бэмби».

13.05 «Соғ таңда» соғлом ақл. 13.45 «Куйла, болажон».

ЯКШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

«СОҒЛОМ АВЛОД - БУ БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ» ЎЗЛҶСИС ТЕЛЕДАСТУРИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

9.10 «Мусиқа бўстон». Телеальманах. 9.30 «Ғаройибот».

9.45 «Умид» намойиш этади. 9.55 «Умид» ахбороти.

10.00 «Ватанига хизмат қиламан». 11.00 «Орзулар қанотидан».

11.20 Болалар учун. «Санъат гуначалари». 11.50 «Шоҳрух клуби».

12.10 «Соғинч соҳили». 12.30 Кундузги сеанс. «Насиб». Бадий фильм. 1-қисм.

14.00 «Дил номалари». Мусикий дастур. 14.30 «Кувнок старлар». Телемусобақа.

15.10 «Мозийдан бир муъжиза». 15.25 «Насиб». Бадий фильм. 2-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» почтаси. «Мульти-томоша».

9.50 «Мусикий лаҳзалар». 10.00 «Асп қиёфаси».

10.20 «Мусикий лаҳзалар». 10.30 «Муҳаббат қаҳваси».

11.15 «Душанба дастурдагилар ва бошқалар». 11.40 Шароф Бошбеков. «Темир хотин».

12.40 «Мусикий лаҳзалар». 12.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Ринг қироллари».

13.50 «Садо-99» саҳифаларидан. 14.05 «Даллас». Телеанонс.

14.50 «Ўзбекистон» телеанонси. 15.10 «Жаҳон эстрадаси».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси. «Спорт майдончаси». «Мульти-томоша».

9.50 «Мусикий лаҳзалар». 10.00 «Давр» - интервю.

10.15 «Мусикий дастур». 10.30 «Бизнес-академия».

10.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телеанонс. 11.30 «Мусикий лаҳзалар».

11.40 «Жаҳон журғофияси». «Бу поэтларнинг севиғи».

12.30 «Мусикий лаҳзалар». 12.40 «Тяньч».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси. «Келинг танишайлик». «Боланинг тили».

9.50 «Мусикий лаҳзалар». 10.00 «Мезон».

10.20 «Олис сафарлар иштиёқиди». Швейцария. 10.35 «Мусикий лаҳзалар».

10.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телеанонс. 11.30 «Мусикий лаҳзалар».

11.40 «Жаҳон журғофияси». «Бу поэтларнинг севиғи».

12.30 «Мусикий лаҳзалар». 12.40 «Тяньч».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси. «Келинг танишайлик». «Боланинг тили».

9.50 «Мусикий лаҳзалар». 10.00 «Мезон».

10.20 «Олис сафарлар иштиёқиди». Швейцария. 10.35 «Мусикий лаҳзалар».

10.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телеанонс. 11.30 «Мусикий лаҳзалар».

11.40 «Жаҳон журғофияси». «Бу поэтларнинг севиғи».

12.30 «Мусикий лаҳзалар». 12.40 «Тяньч».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.

7.50 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар».

8.40 «Омад» тележурнали. 9.40 Болаларнинг ёғи таътил кунларида.

10.10-10.30 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 21.00, 22.30, 00.05 «Пойтахт».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.

7.50 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар».

8.40 «Омад» тележурнали. 9.40 Болаларнинг ёғи таътил кунларида.

10.10-10.30 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 21.00, 22.30, 00.05 «Пойтахт».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.

7.50 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар».

8.40 «Омад» тележурнали. 9.40 Болаларнинг ёғи таътил кунларида.

10.10-10.30 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 21.00, 22.30, 00.05 «Пойтахт».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Соғлом бўлай десангиз». 7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.

7.50 «Экспресс» телегазетаси. 8.25 «Дилором наволар».

8.40 «Омад» тележурнали. 9.40 Болаларнинг ёғи таътил кунларида.

10.10-10.30 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00, 21.00, 22.30, 00.05 «Пойтахт».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ. РЖТ 6.30-8.00

15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси».

17.20 «Бугун оламда». Ахборот дастури.

РЖТ 17.30 Зоя Федорова ва Александр Демьяненко «Катта болалар» комедиясида.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ. РЖТ 6.30-8.00

15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси».

17.20 «Бугун оламда». Ахборот дастури.

РЖТ 17.30 Зоя Федорова ва Александр Демьяненко «Катта болалар» комедиясида.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ. РЖТ 6.30-8.00

15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси».

17.20 «Бугун оламда». Ахборот дастури.

РЖТ 17.30 Зоя Федорова ва Александр Демьяненко «Катта болалар» комедиясида.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ. РЖТ 6.30-8.00

15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси».

17.20 «Бугун оламда». Ахборот дастури.

РЖТ 17.30 Зоя Федорова ва Александр Демьяненко «Катта болалар» комедиясида.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ. РЖТ 6.30-8.00

15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси».

17.20 «Бугун оламда». Ахборот дастури.

РЖТ 17.30 Зоя Федорова ва Александр Демьяненко «Катта болалар» комедиясида.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ. РЖТ 6.30-8.00

15.50 Кўрсатувлар тартиби. 15.55 «Бобил минораси».

17.20 «Бугун оламда». Ахборот дастури.

РЖТ 17.30 Зоя Федорова ва Александр Демьяненко «Катта болалар» комедиясида.

СЕШАНБА, 11

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ЧОРШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ЖУМА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ПАЙШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

Сен ўз хулқингни тузгил, бўлма эл ахлоқдин хурсанд, Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин ўз пайванд, агар десанг биров бирла, Қилай пайванд бори қилмагил ноахл ила пайванд.

Кўнгул комини кўй, гар худ менинг девона кўнгулмни, Топарсан уйла юз парканду сол хар итта бир парканд.

Эшитмай халқ пандин, турфақим панд элга ҳам дерсен, Қила олсанг эшиттил панд, сен ким, элга бермак панд?

Бу фоний дайр аро гар шохлиг истар эсанг, бўлгил, Гадолиг нониға хурсанду бўлма шохға хожатманд.

Бўлиб нафсинга тобиғ, банд этарсен туһса душманни, Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Шакар лаблар табассум қилгонин кўргач кўнгул берма, Ки бедилларни ачиг йиғлатур охир бу шакарханд.

Жаҳон лаззатини ширин кўрарсен, лек бандингдур, Гирифторм ўлма, воқиф бўлки, канду қайдур эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофъи гар истасанг, бордур Навойи боги назми шакархонинда ул гулканд.

лангандир. Иккинчи байтдаги, «Замон аҳлидин ўз пайванд» - «замон аҳлидин алоқани узгил» деган талаб қандайдир галати эшитилади. Аммо шоир, умуман олганда замон аҳли билан яқинлашувни инкор этаётгани йўқ. У аҳлиликни билмайдиган, замон зайлига қараб турланиб, тусланаверадиган суботсиз зотлардан узоқлашишга чорлаётгани, бу ҳам ахлоқсизлик жабридан фориг бўлишининг муҳим бир шартин саналади:

Замон аҳлидин ўз пайванд, агар десанг биров бирла, Қилай пайванд бори қилмагил ноахл ила пайванд.

Кўнгул йўли — энг тоза, энг нури ва шарафли йўл. Кўнгул орзулари энг гўзал ва энг умидли орзулар эрур. Чунки кўнгул — маънавий-руҳий ҳаёт тамали ва гайбий муқошафа бешиги. Лекин инсон кўнгул номи билан гоҳо ҳар турли хато ва адашишларга эрк беради. Кўнгул амридан ҳавоу ҳавас завқини фарқлай олмайди.

Навобий «кўнгул комини кўй», деганда маса-

«СЕН ЎЗ ХУЛҚИНГНИ ТУЗГИЛ...»

(Бир газал шарҳи)



Алишер Навобийни англаш, ҳис қилиш, ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.

ланнинг шу жиҳатини назарда тутлади. Аммо шoirнинг «девона» кўнгули — бу бошқа кўнгул. У ишқнинг зўри ва шиддатидан парчаланган. Унинг ҳар бир парчасининг бир итта раво кўрилиши — бу ҳам содиқлик ва вафо белгиси:

Кўнгул комини кўй, гар худ менинг девона кўнгулмни, Топарсен уйла юз парканду сол хар итта бир парканд.

«Кўнгул» истакларига бўйсунганлар одатда бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашмаслика мойил бўладилар. Эшитишга эмас, гапиришга, икром бўлишга эмас, инкор айлашга уринадилар. Бундай ҳолатда ҳатто халқ панд-насихатлари ҳам назар-писанд қилинмайди. Бу хусусан, ёшлиқда ва «нафс тавсани»га минган ёшларда, кибр ва гурур бандларидида кўпроқ кўзга ташланади. Қуйидаги сўзлар Навобий замонида қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, бун ҳам худди ўшандай қимматга эга:

Эшитмай халқ пандин, турфақим панд элга ҳам дерсен, Қила олсанг эшиттил панд, сен ким, элга бермак панд?

Хўш, бундай моуманлик ва саркашликка сабаб нима? Бош сабаб, нафс ва таъма. Таъмадан покланган киши — қаноат тожини қийдан киши. Навобий:

Бу фоний дайр аро гар шохлиг истар эсанг, бўлгил, Гадолиг нониға хурсанду бўлма шохға хожатманд -

деркан, ҳақиқатда ҳам инсонни шохлик мақомига кўтарувчи қаноатни улғулайди. Зеро, нафсони мағлуб этувчи бир қалқон ҳам қаноатдир.

Энди нафс ҳақида. «Нафс» сўзи — бирор нарсанинг мавжудлиги, ҳақиқати, зоти ва ўзлиги деган маъноларни ифодалайди. Оддий халқ орасида «нафс» калимаси турли маъноларда қўлланилган бўлиб, гоҳо улар бир-бирига зид мазмунларни акс эттирган. Масалан, бир тоифа нафсни руҳ деб тушунса, яна бошқа бир гуруҳ муруват, одамийлик мавжудлик қуввати дея англашган. Тасаввуф аҳлининг қарашлари эса буларнинг бирортасига ҳам мувофиқ келмайди. Уларнинг умумий нуқтаи назари бўйича, нафс (нафси аммора) барча ёмонлик, чиркинлик ва гуноҳларнинг дояси эрур. Жунайид Боғдодий «Кўфрнинг асоси — нафснинг муроди эрур», деса, Абу Сулаймон Дароний «Нафс ҳам хоин, ҳам ганим эрур. Энг яхши амал унга қарши курашмоқдир», дейди. Навобий ҳам нафсни душмандан-да хавфли душман, унга тобе бўлиб ганимини банд айлаш мумкин, лекин нафсни таслим этиш беҳад душвор, дея таъкидлайди:

Бўлиб нафсинга тобиғ, банд этарсен туһса душманни, Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Сиртдан қаралганда, бу гапларнинг кейинги байтдаги маънога унча алоқаси йўққа ўхшайди. Бироқ «шакар лаблар табассуми»га асир айлаб, кейин йиғлатувчи аслида маккор нафсдир:

Шакар лаблар табассум қилгонин кўргач кўнгул берма, Ки бедилларни ачиг йиғлатур охир бу шакарханд.

Жаҳон лаззатлари чиндан ҳам тотли. Шу боис, жаҳондан меҳр ипини узиш беҳад қийин. Чунки бу ўткинчи дунё инсон фарзандини суяб — аврайдди, авраб — сехрлайди. Турфа-турфа қувончу шодликларга йўл очиб ўзига таслим айлайди. Бироқ «дунё маним» деган, жаҳон молин йиққанларга ҳам у барибир вафо қилмайди. Ҳамма-ҳаммаси бир тушга ўхшаб ўтади-кетди. Шунда инсон ҳавас ва гурурларга тобе бўлганлигини, уни моддий манфаат ва ҳузур-ҳаловат алдаганлигини тушунади. Ва бағрида афсус, наҳват, ҳасрат ўтлари ёнади. Навобий воқифликни шундай фожеанинг олдини олгучи чора ўлароқ талқин этгандир:

Жаҳон лаззатларини ширин кўрарсен, лек бандингдур, Гирифторм ўлма, воқиф бўлки, канду қайдур эрур монанд.


Бу дунёнинг ишлари баъзан жуда галати: ширин-аччиққа дўнади, қувонч ғам-ғуссага сабаб бўлади, хатарсиз кўринган нафслардан гоҳо бошга бало тошлари ёғилади ва ҳоказо. Нега шундай? Негаки, одам фарзанди «нафс ила дунёга дил» бериш не оқибатларга олиб боришини билиш ва риёзат чекиб «чўр мушоҳада» юри-тишга ҳеч пайт белни маҳкам боғламайди. Тўғрироғи, бунга кўнчилиқнинг қуввати ҳам етишмайди. Ана шу қувватсизликдан гафлат, жаҳолат, зулм, риё, адоват сингари ўнлаб бало ва офатлар юзага қалқиб чиқади. Булар орасида жаҳл ва жаҳолат энг хавфлидир. Эҳтимол, жаҳл илдизини туб-тубидан қуритишга шеърнинг қуввати етмас. Эҳтимол, жоҳиллик назм боғи «шакархонини» деган тушунгани умуман тан олмас.

Балки Ҳазрат Навобийнинг:

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофъи гар истасанг, бордур, Навобий боги назми шакархонинда ул гулканд, -

деган тавсияларини шунчаки шоирона бир гап бўлиб туолар. Аммо ҳар қандай эҳтимол ва тахминдан фориг бир ҳақиқат шуки, Навобий шеърини — кўнгулни покловчи, кўнгулдан жаҳл ва ғазаб, қарх ва зулм ранжларини дафъ айлашга қодир шеърят. Буни биз қанча яхши билсак, маънавий ҳаётимиздаги ишлар ўшанча тез ўнғланади ва энг қийин жумбоқлар ҳам ўшанча осон ечимини топади.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, филология фанлари доктори.



Баҳористон туманидаги марказий касалхона шифокорлари эл саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келишмоқда. Бу ерда 8 та бўлим мавжуд. Сўнгги йилларда замонавий тиббийёт асбоб-ускуналари келтирилганлиги, малакали шифокорлар жалб этилганлиги сабабли яхши натижаларга эришилмоқда.

Суратда: (чапдан) эл-юрт олқишига сазовор бўлаётган жонгажон шифокорлар — Р.Авазов, А.Мустафоқулов, Р.Нурбоева, Ж.Шодиёвлар ўзаро мулоқот чоғида.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

КУЙ СЕҲРИ

Асака шаҳрининг маданият ва истироҳат боғида «Алла» ижрочилари ҳамда Ўзбекистон халқ артисти, асакалик машҳур хонанда Ҳабиба Охунова кўшиқлари ижрочиларининг вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик бадиий жамоаларнинг аллалари ва Ҳабиба Охунова кўшиқлари ижрочиларининг энг яхшиларини танлаш имконини берди.

Бўз тумани вакиллари шоир Омон Матчоннинг «Алла» ҳикояси асосида саҳналаштирилган томошаси билан алла шайдоларини мамнун этишиб, кўрик-танлов голиби бўлдилар. Улар эндиликда республика миқёсида ўтказилган «Алла» ижрочилари кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ҳабиба Охунова кўшиқлари ижроси бўйича ўтказилган беллашувда эса марҳаматлик ёш хонанда Манзураҳон Ёкубова биринчи ўринни эгаллади.

Кўрик-танлов голибларига вилоят маданият ишлари бошқармаси, «Ўзбекнаво» бирлашмаси ҳамда ҳомий ташкилотларнинг қимматбахо эсдалик соғвалари топширилди.

Термиз шаҳрида юрт равақи ва тўкилиги йўлида меҳнат қилаётган тадбиркорлар кўп. Шулардан бири Искандар Элмуродовдир. У 1996 йил «Семург - Шерзод» ишлаб чиқариш тижорат фирмасига асос солганда фирмада атиги 3 нафар ишчи бор эди. Бугунга келиб эса ишчилар сони 200 нафардан ортиди.

Хайрли ишни ҳар ким ва ҳар кун қилиш керак. И.Элмуродов ҳам бунга амал қилиб 13-ўрта мактабга 550 ўринли қўшимча бино қуриб беришни ўз зиммасига олди.

«Ишонч» бонг уради

Бойсун туманидаги Омонхона шифо масканига туш пайти етиб келдик. Аммо суюнчимиз узоққа бормади. Ахир, бу қанақаси, турли машиналарнинг кўплигидан юришга жой тополмайсан, киши. Қизиги, ҳеч қандай шароит бўлмаса-да, машина кун бўйи жазирама иссиқда тургани учун ҳам яхшигина ҳақ олинса!

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан ойига фақат йигирма бешта йўлланма берилишини эшитганимиздан сўнг янада ҳайратимиз ортиди. Чунки шифо истаб келганлар беш юз кишидан ортиқ эди-да! Балки шу боисми, шифобахш булоқ суви қўйлаётган жўракни пойлаб бир ярим соат турсак-да, бир банка сув олиш-

ЁРДАМГА МУҲТОЖ ШИФО МАСКАНИ

нинг иложини топа олмадик. — Сув жуда кам, аммо муолажа истаб келувчилар, кўриб турибсиз, жуда кўп, - деди шифохона ҳақими Музаффар Жалилов вазиятга ойдинлик киритмоқчи бўлиб. - Айниқса, телевидение орқали бир неча марта реклама берилганидан кейин илҳосмандлар сони кескин ортиди. Аксига олиб ёнгарчилик кам бўлгани учунми, булоқ суви озайиб кетди.

Врачнинг сўзларини бошқалар тасдиқлашди. — Ўтган йили келганимда мана бу ваннада мазага қилиб чўмилган эдим, - деди шерободлик Каюм Мисиров. - Энди ҳатто душда чўмилиш учун ҳам икки-уч соат навбат кутишга тўғри келаётди.

— Менга икки кундан бери навбат тегмапти, - деди шериги янада оғриниб. - Бу ерга йўлланма билан келганлардан кўра ҳужжатсиз келганлар йигирма чандон кўп, - деди бойсунлик Фаҳриддин деган йигит масалага янада чуқурроқ ёндошиб. - Бироқ шунча одамга шароит яратиб бериш тўғрисида ким қайғуради, билмай қолдик...

Муолажа истаб келганларнинг бу тоифасидагилари билан ҳам мулоқотда бўлдик.

— Биз тўрт киши бўлиб келганми, - деди шерободлик Абдушуккур Мисиров. - Лекин тунаш учун жой топа олмаганимиз, Кичкинагина хусусий меҳмонхона бор экан, ундаям йигирма беш ўринга ўттиз киши бир амаллаб жойлашибди. Энди олис бўлсам бойсунда ётиб кетмасам...

Шифо масканида ҳар ким дуч келган жойда — супуриб-сидирилмаган ифлос жойларда оқат-ланишпайди. Бу эса санитария қоидаларига мутлақо зид. Танавул учун на стол, на стуллар етишди. Сўйилар эса бармоқ билан санарли даражада оз. Кўпчилик ерда ўтириб чой ичишга мажбур бўлаётди.

Шифохона бош ҳақими Нусратулла Худойкуловни кун бўйи кутиб, топа олмадик. Қайтишда Бойсун шаҳридан унинг уйига кўнгирак қилдик. — Отам бозорга кетди, - деди симнинг у томонидан гўшакни олган қиз.

Начора, ҳаммада ҳам шахсий юмуш бор, рўзғор ва мол-хол дегандек. Лекин шифохонанинг бугунги аҳволи ҳақида жиддийроқ бош қотирилса маъкул бўларди.

— Шифо масканидаги аҳволни танқид қилувчилар кўп, аммо кўмак беришчилар негадир кўринмайди, - деди ўзини Алишер Тўрақулов дея таништирган фельдшер қуниб. Бултур бу ерда бино қурилиши бошлаб юборилган эди. Афсуски, кейинги пайтда бу иш ҳам чала қолди.

Ҳа, Омонхона жигар ва ўт касалликларини даволашда катта наф келтирадиган булоқ сувларига эга. Афсуски, шундай жойга етарлича эътибор йўқ. Олдиндан оққан сувнинг қадри бўлмайди, деганларимиз ёки бу? Шифо маскани теварагида юзага келган аҳволни яхшилаш, муолажа истаб келувчиларга шарт-шароит яратиб бериш туман ёки вилоят миқёсида унчалик катта муаммо бўлмаст керак.

Ж. ХУШБОҚОВ.

КЎК ЧОЙ ХОСИЯТИ

«Кўк чой ҳар қандай қарахликдан фориг этади» деган гап Японияда кенг тарқалган. Кўк чойнинг фойдаланигини япон олимлари олиб борган илмий тажрибалар ҳам исботлади.

Лабораториялардан бирида кўк чойнинг қуввати ўтадиган сўргичлар сичқонлар оғзига солинди. Шундан сўнг сичқонларга спиртли ичимлик ичирилди. Тажриба кўк чой қуввати спиртли ичимликнинг зарарли таъсирини анча тезкорлик билан бартараф этишини кўрсатди.

Кўк чой ўзининг қувватли хоссаси билан, ҳаттоки, рақ хасталигининг олдини олишда ҳам фойдали таъсир кўрсатар экан. Бундан ташқари унинг

атеросклероз ва юрак хасталикларига олиб келадиган ҳолатлардан, яъни қонда холестерин ва ёғнинг йиғилиб қолишдан фориг этадиган хусусиятлари бор.

Кўк чой қон томирларининг эластиклигини мустаҳкамлайди, жигарни ёғ босишдан ҳимоя қилади, тананинг ҳаракатчанлигини сақлаб туради.

Кўк чой одамни ортиқча семираиб кетишдан ҳам ҳимоя қилади. Унинг таркибидаги кофеин бадандан ортиқча ёғларни ҳайдаб чиқаради. Қон босими ошишидан сақлашда ҳам кўк чойнинг фойдаси катта. У баданнинг туз йиғилишидан ҳам муҳофаза этади.



ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Махсус: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўғривоқна берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотула эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00